ос. книжн... п. СССР
СИТУАЦИЯ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

21 АВГУСТ, 1982 ЙИЛ
ШАНБА
№ 190 (2.596).
Баҳоси 3 тийин.

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ Т-7» ПАРВОЗДА

Экипаж составида космонавт аёл

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1982 йил 19 август Москва вақти билан соат 21 дан 12 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т—7» космик кемаси учирилди.

Космик кемани командир—икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси полковник Леонид Иванович Попов, бортинженер техника фанлари кандидати Александр Александрович Серебров ҳамда тадқиқотчи космонавт Светлана Евгеньевна Савицкаядан иборат экипаж бошқармоқда.

Учиш программаси «Союз Т—7» кемасини «Салют—Т» —Союз Т—5» орбитал комплекси билан туташтиришни кўзда тутади. Кема экипажи Попов, Серебров ва Савицкая ўртоқлар 1982 йилнинг 14 майидан бери комплекс ичида ишлаб келаётган космонавтлар Березовой ва Лебедев билан биргаликда илмий-техник ва медицина-биологик тадқиқот ва экспериментлар программасини бажаришлари лозим.

Орбитадан қилинган докладлар ва медицина назорати маълумотларига кўра, Леонид Попов, Александр Серебров ва Светлана Савицкая орбитага чиқиш ва вазисизлик ҳолатига ўтиш участкаспин нормал ўтказганлар ва ўзларини яхши ҳис қилаяптилар.

Космик кема экипажи белгиланган программани бажаришга киришди.

Суратда: «Союз—Т-7» космик кемасининг экипажи (чапдан ўнгга) экипаж командири СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Л. И. Попов, тадқиқотчи-космонавт С. Е. Савицкая ва борт инженер А. А. Серебров.

А. А. ПУШКАРЕВ фотоси. (ТАСС).

Леонид Иванович ПОПОВ

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Леонид Иванович Попов 1945 йил 31 августда Кировоград областининг Александрия шаҳрида туғилган.

1968 йил Ленин комсомоли номидаги Чернигов учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини битирганидан сўнг ҳарбий ҳаво кучларида қирувчи учувчи бўлиб хизмат қилган.

Л. И. Попов 1971 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

1976 йил космонавтлар тайёрлаш марказидаги ишидан ажралмаган ҳолда Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий ҳаво академиясини битирган.

Л. И. Попов космосда икки марта учган. У 185 кун давом қилган биринчи учишни 1980 йил «Салют-6» станциясидаги асосий экспедициянинг командири сифатида бажарган. Л. И. Попов 1981 йилнинг май ойидаги иккинчи учишда Совет—Руминия халқаро экипажининг командири бўлганди.

Александр Александрович СЕРЕБРОВ

Александр Александрович Серебров 1944 йил 15 февралда Москвада туғилган.

У 1967 йилда Москва физика-техника институтини битирган. Сўнгра шу институтнинг кафедраларидан бирида тўққиз йил мобайнида илмий иш билан шуғулланган.

1976 йилдан техника фанлари кандидати А. А. Серебров конструкторлик бюросида ишлайди. У мураккаб инженерлик ва илмий вазифаларни мустақил ҳал этишга қодир, техника жиҳатидан саводли ва ташаббускор ходим эканлигини кўрсатди. Космик аппаратларни ишлаб чиқиш ва уларни синашда қатнашди.

А. А. Серебров 1976 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Александр Александрович Серебров «Союз Т» кемаси ва «Салют» орбитал станциясида учишга тайёргарлик тўла курсини битирган.

Светлана Евгеньевна САВИЦКАЯ

Светлана Евгеньевна Савицкая 1948 йил 8 августда Москвада туғилган.

Мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ авиация спорти турлари билан шуғуллана бошлаган. СССР ДОСААФи Марказий учувчилик техника мактабини ҳамда Серго Оржоникидзе номидаги Москва авиация институтини битирганидан сўнг инструктор-учувчи бўлиб ишлаган. С. Е. Савицкая 1976 йилдан синовчи-учувчилар мактабидаги таълим курсини битиргач, синовчилик иши билан шуғулланади. У йигирма хилдан кўп самолётларни ўзлаштирган, 1500 соат учган ва «иккинчи класс синовчи-учувчи» малакасига эга. «Салют» станцияси ва «Союз Т» кемасида тадқиқотчи-космонавт сифатида учишга тайёргарликнинг тўла курсини битирди.

С. Е. Савицкая — СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, авиацияда 18 марта жаҳон рекордига эришди, 1970 йилда олий пилотаж юзасидан жаҳоннинг мутлақ чемпиони бўлди.

Светлана Евгеньевна Савицкая — 1975 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси, У ВЛКСМ Марказий Комитетининг аъзосидир.

ОЛИМЛАР—ПАХТАКОРЛАРГА

19 август куни Қаршида СоюзНИХИ ҳузуридаги пахтачилик юзасидан Бутуниттифоқ мувофиқлаштириш кенгашининг мажлиси бўлди. Мамлакатдаги пахтакор республикаларнинг олимлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорлари асосида тармоқни янада ривожлантириш соҳасида илмий-тадқиқот муассасаларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ғўзанинг тезпишар, вилтга бардошли навларини яратиш ва жорий этиш, пахта етиштириш ва йиғим-теримни ўтиш технология жараёнлари ва ускуналарни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилди.

Мувофиқлаштириш кенгашининг қатнашчилари Қарши даштидаги қўриқ пахтакор хўжаликларда бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ДЕФОЛИАЦИЯ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон деҳқонлари пахта ҳосилини машинада териш учун пахтазорларни тайёрлашга киришдилар: ҳосили етилган далаларни дефолиация қилиш бошланди. Бу муҳим агротехника тадбири ғўза баргларининг тўкилишини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга кўсакларнинг пишиб етилишини 10—15 кун тезлаштиради, юқори сифатли тола чиқишини кўпайтиради.

Тошкент область Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида Облоқул Хамраев бригадасининг пахтазори эртаблабдан гавжум бўлди. Хўжалик мутахассислари ғўзанинг ҳолатини яна бир бор синчиклаб кўздан кечиргач, дефолиация бошлашга команда бердилар.

Шу заҳотиёқ механизаторлар Абдурахмон Шоқадамов ва Пўлат Муродовлар ўз тракторларини далага тушириб ғўзага дори пуркай бошладилар. Шундан аввал улар дефолиант дорилар ғўза барг.ларига бир текис сочилиши учун агрегатларни пухта созлаб олган эдилар. Дастлабки дақиқаларданоқ юксак суръат билан ишлана бошланди. Механизаторлар ҳар куни дефолиация ишларида смена нормаларини ошириб бажаришга, бригаданинг ўнбиринчи беш йиллик иккинчи йили учун гектар бошига 45 центнер, яъни бултургидан 2,5 центнер кўп «оқ олтин» олиш юзасидан қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини бажаришга ҳисса қўшишга қарор бердилар.

Дефолиация ишларида ғўзага ерда туриб дори сепиш воситаларидан тобора кенг фойдаланиш янги мавсумнинг ўзига хос белгиси бўлади. Чунончи, Тошкент области пахтакорлари ихтиёрига бу йил уч юзтадан кўпроқ пуркагич, шу жумладан ҳар куни 20 гектар—одатдагидан икки баравар кўп пахтазорни дорилаш имконини берадиган кенг қамровли агрегатлар топширилди. Ерда туриб дорилаш усули ишларнинг юксак сифатли бўлишини таъминлайди.

Илғор хўжаликларнинг механизаторлари суювлар билан мустаҳкам ҳамжиҳатликда ишлаб, дефолиацияни тупроқ намлиги энг мақбул бўлган шароитда ўтказишга интилмоқдалар, мана шундай шароитда ғўзаларга химиявий дорилар жуда яхши таъсир қилади.

Республика пахтакорлари олдида турган мақсад —дефолиацияни энг яхши агротехника муддатларида ўтказиб олишдан иборат. Бу эса ҳосилни совуқ тушгунча йиғиб-териб олиш, юқори сифатли пахта тайёрлаш имконини беради.

Тошкент областининг хўжаликлари билан бир қаторда республиканинг бошқа областларидаги бир қанча районларнинг пахтакорлари ҳам дефолиациялашга киришдилар.

(ЎзТАГ).

МЕХАНИЗАТОРЛАР ИШГА ШАЙ

Наманганлик механизаторлар машрут қоғозларини олишди. Бу қоғозларда терим звеноси аъзоларининг фамилиялари, бригадалар ва бўлимлар, пахта даласининг адреслари ёзилган. Терим машинасини яхши ҳайдашдан ташқари ундаги носозликларни тезда тузатиш малакаларига ҳам эга бўлган тажрибали механик ҳайдовчилар комплекс звеноларига бошчилик қилишади. Уларнинг ҳаммаси Райсельхозтехника ҳузуридаги қисқа муддатли курсларда ўз малакасини оширган. Экипажлар икки сменалаб ишлаш учун тайёр. Илк бор йигит ва қизлардан 975 киши терим машиналарини ҳайдаш ҳуқуқини олди.

Область хўжаликларининг ҳамма терим машиналарида «82-йил мавсумига тайёрмиз» деган лавҳалар пайдо бўлди. Госкомсельхозтехниканинг ремонт корхоналари хўжаликларга одатдагидан бир ҳафта барвақт 236 минга терим машинаси, юк ортувчи машина, пуркагич машина ва бошқа механизмлар юборди. Цех ва участкаларни машина ва механизмларнинг маълум турларини ремонтдан чиқарадиган қилиб ихтисослаштириш, ҳамма ерда бригада хўжалик ҳисобини жорий этиш, кўпгина эскирган детал ва ва узелларни реставрация этиш технологиясини ўзлаштириш бунга асосан кўмак берди.

Бу йил Сельхозтехника бўлинмаларининг мавсумга тайёрлиги анча ошди. Улар терим машиналари ва бошқа техниканинг 90 процентини гарантияли ремонтдан чиқардилар. Область хўжаликларининг машина паркидаги механизмлар янгиланиши билан бирга уларнинг ёнига 130 га яқин янги моделдаги терим машинаси қўшилди.

(ЎзТАГ мухбири).

Қишлоқ хўжалиги ишлари кундалиги

КЎПЛАБ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МЕВА-САБЗАВОТ ТАЙЁРЛАЙЛИК

Боғбон ва сабзавоткорлар учун ҳал қилувчи дамлар бошланди. Улар юбилей йили планлари ва КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларига жавобан олинган социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқдалар.

Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё областларининг колхоз ва совхозлари картошка тайёрлашни ниҳоясига етказдилар, картошка ҳарид қилиш йиллик плани 75 процентдан ошириб бажарилди. Хўл мева тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли уддалаган Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва бошқа бир қатор областларнинг хўжаликларида ҳосил йиғим-терими ҳушқоқлик билан ўтказилмоқда.

Боғ ва далалардан йиғиштириб олинган маҳсулотларни етказиб беришда Қалинин, Тошкент ва Оржоникидзе районлари яхши ибрат кўрсатишмоқда. Бу районларда маҳсулот тайёрлаш суръати ўтган йилдагига нисбатан анча юқори бўляпти.

Республикада сабзавот тайёрлаш плани 60 процент бажарилди. Республикада тайёрланадиган маҳсулотнинг тенг ярмини Тошкент ва Самарқанд областлари етказиб бериши лозим. Афсуски бу областлар топшириқни эндигина тегишли равишда 49 ва 44 процент адо этдилар.

Андижон, Навоий ва Фарғона областларининг хўжаликлари сабзавот ва полиз маҳсулотларини йиғиштириб олишда ўтган йилги суръатлардан ортда қолишмоқда. Полиз маҳсулотларини ҳарид қилиш борасида ҳам ана шундай аҳвол юз беряпти. Гарчи бу йил мевалар ўтган йилдагига нисбатан қарийб бир ярим ҳафта илгари пишиб етилган бўлсада, Жиззах, Андижон, Навоий ва Фарғона областлари хўл мева ва полиз маҳсулотларни тайёрлашда ўтган йилги суръатларга етолмаяптилар.

Қорақалпоғистон АССР ва Сирдарё областида полиз маҳсулотлари тайёрлаш суръати жуда паст. Самарқанд, Жиззах, Андижон ва бошқа областларда пишиб етилган узумни йиғиштириб олишга чинакамига киришилгани йўқ. Сирдарё области эса узум тайёрлаш бўйича ўтган йилги кўрсаткичларидан ортда қолянти. Ваҳоланки ҳозир узум батамом пишиб етилиб, реализация қилиш ва қайта ишлашга тайёр бўлди. Бухоро области хўжаликлари сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олишда ортда қолянти. Масалан, Бухоро районидаги «Ленинград» колхози пландаги 325 тонна ўрнига 127 тонна. «Янги турмуш» колхози пландаги 735 тонна ўрнига 336 тонна, Вобкент районидаги Энгельс номли колхоз эса пландаги 403 тонна ўрнига 184 тонна сабзавот маҳсулотлари топширди.

Область ва район қишлоқ хўжалик органлари жойларда ҳосил йиғим-теримини янада авж олдиришганда, йиғим-терим машиналари ва техника воситаларини тўлиқ сафарбар этганларида, барча меҳнат резерврларидан унумли фойдаланилганда, қайта ишлаш саноати эса консерва заводлари, цехлари ва қайта ишлаш пунктларининг қабул қилиш қобилиятини янада ошириш чораларини кўришганда ҳосил йиғим-терими суръати янада юқорироқ бўлиши мумкин эди.

Яшириншн ҳожати йўқ, Самарқанд, Андижон ва Фарғона областларидаги қайта ишлаш корхоналарининг ишида ҳамон нуқсонлар бор. Бу корхоналарда колхоз ва совхозлардан келтирилаётган ҳом ашёни қабул қилишни пайсалга солиш қоллари учраб турибди, автотранспорт воситалари соатлаб бекор қолмоқда, помидор, олма ва бошқа маҳсулотларнинг сифати кескин пасаймоқда.

Шу билан бир қаторда Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг тара-ремонт заводлари маҳсулотларни ташиш учун зарур бўлган яшиклар, контейнерлар, коробкалар ва бошқа таралар билан таъминламаяптилар. Помидор ва узумни қайта ишлашга ташиш учун зарур бўлган йирик контейнерларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаяпти.

Пойтахт области, Самарқанд, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Андижон областларининг колхоз ва совхозлари колхоз бозорларига полиз ва боғ маҳсулотларини кам жўнатмоқдалар.

Мева-сабзавот маҳсулотларини даладан истеъмолчига узлуксиз етказиб бериш учун ҳар бир даланинг сермаҳсуллигини сақлаш зарур. Бунинг учун ҳар бир участка ва ўсимликка табақалаштирилган ҳолда ишлов беришни давом эттириш, мунтазам равишда озиқлантириш, айниқса, шарбат усулида органик ўғитлар солишга катта эътибор бериш лозим. Пайкаллаврни бетона ўтлар босишига йўл қўймаслик, экиларни мунтазам равишда суғориш ва культивация қилиш даркор. Помидор, болдирг, бақлажон, қалампир каби экиллар ҳосилини пешма-неш йиғиштириб олиш талаб этилади. Бу экиларнинг ҳосили қанчалик тез йиғиштириб олинса, ҳосил сифати шунчалик юқори бўлади. Бирор килограмм ҳам сабзавот, мева ва узумнинг пишгандан сўнг нобуд бўлишига сира йўл қўймаслик керак.

Ҳозирги пайтда мева-сабзавот маҳсулотларини қишда сақлаш учун омборларга жойлаш муддатлари етиб келди. Сунъий совутилгандан ва актив вентиляциядаги эга бўлган барча омборларни маҳсулотлар билан тўлдириш даркор. Шу билан бирга сабзавот-мева, қовун сақлашнинг оддий халқ усулларидан ҳам кенг фойдаланиш зарур.

Ҳосилни йиғиштириб олиш билан бирга кечки экиллар —турп ва шолғомдан шу йилнинг ўзидаёқ ҳосил олишни, келгуси йил ҳосили учун пиёз ва саримсоқ пиёз экишни ҳам унутмаслик даркор. Карам, сабзи, лавлаги сингари совуққа чидамли экиларни кузда экиш усули ўзини оқлаяпти. Бу усулда экилган экиллар ҳосили баҳорги экиллар ҳосилидан анча илгари пишиб етилади.

Жиззах, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё ва бошқа областларнинг хўжаликларида узум ва мева жўнатиш суръати жуда паст. Ҳозир дала ва полизларда мўл ҳосил пишиб етилмоқда. Умуминтифоқ фондига мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатиш суръатларини кучайтириш бўйича зарур чораларни кўриш даркор.

СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. УСТИНОВнинг ТАСС мухбири саволларига ЖАВОБЛАРИ

Савол: Ярим йиллан кўпроқ вақтдан бери Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар Женевада Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисида музокара олиб бормоқдалар. Шу музокара қандай давом этмоқда ва томонларнинг позициялари хусусида Сиз нима дея оласиз?

Жавоб: Томонларнинг келишувига биноан бу музокара махфий тусда ўтказилмоқда ва унда қилинаётган ҳамма ишлар ва айтилаётган гапларни ошкор қилишнинг фойда келтирмаган бўлур эди, албатта. Совет Иттифоқи бу келишувга жиддий қарайди. Бироқ, афсуски, Америка томони ҳақида бундай деб бўлмайди. Яқинда музокаранинг мазмунини очиб берувчи хабарлар ғарб, жумладан Америка ва Ғарбий Германия матбуотида пайдо бўлиб қолди. Уларда Совет позициясини жуда сохталаштиришга йўл қўйилган.

Музокарадаги бизнинг позициямиз мазмунига жамоатчилик жуда қизиқиб қараётганининг сабабини тушунаман. Совет Иттифоқи Женевада ўртага қўйган таклифларда ядро қуролини шимолий муз океанидан тортиб Африкагача, Атлантиканинг ўрталаридан тортиб Урал тоғларигача қисқартириш ва чеклашнинг кенг Европа зонасини вужудга келтиришни кўзда тутади. Бу зонада ўртача олисликка учадиган мавжуд ядро қуролларини қисқартириш таклиф этилади (1000 километр ва ундан ортиқ масофага учадиган ядро қуроллари шу жумлага киради, аммо китъаларо ядро қуроллари бу жумлага кирмайди). Шу тариқа аҳдлашувдан кейин беш йил ўтгач СССР ва НАТО томонида шу классдаги қуроллар дан қўш билан 300 таси қоладиган бўлиши керак. Ўртача олисликка учадиган ядровий воситаларнинг ҳамма турлари—ракеталар ҳам, самолётлар ҳам қисқартирилиши лозим бўлур эди. Зонада янги типдаги ядро қуролларини, шу жумладан, албатта, Американинг «Першинг-2» ракеталарини ҳам, шунингдек қанотли ракеталарни ҳам жойлаштириш тақиқланган бўлур эди.

Совет таклифларида бошқа мамлакатлар учун бирон бир мажбуриятлар кўзда тутилмайди. Бироқ, ўртача олисликка учадиган 300 та қуролнинг жами миқдорида Американинг ракеталари билан бир қаторда Англия ва Франциянинг ракеталари ҳамда самолётлари ҳам ҳисобга олинади. Бу воситалар НАТОга аъзо бўлган мамлакатларнинг ўртача олисликка учадиган ядро қуроллари таркибига кириши фактини Совет Иттифоқи эътиборга олмаслиги мумкин эмас. Бу воситалар СССРни ва унинг иттифоқчиларини нишонга олиб турибди.

Бизнинг таклифларимиз Европада 1000 километрдан камроқ олисликка учадиган ядро қуролларни чеклашга доир кўмакдош тадбирларни ҳам амалга оширишни назарда тутади. Кўп сонли қуролларни бундай чеклаш Европадаги ҳамма давлатларнинг манфаатларига мувофиқ келиши шубҳасиз. Биз ўртача олисликка учадиган Европа зонасидан ташқаридаги ядро қуролларини қисқартириш ва чеклаш шундай йўлга қўйилсинки, томонларнинг бундай қуроллари иккинчи томоннинг мазкур зонадаги объектларига етиб кела олмайдиган бўлсин, деган таклифни ҳам ўртага қўйдик.

АҚШнинг позициясига келганда, у ҳамон машъум «нул қарори»га, яъни Совет Иттифоқининг ердаги базаларида жойлаштирилган ўртача олисликка учувчи ҳамма ракеталарни батамом тугатиш таклифига ёпишиб олган. Музокара бошланишидан аввалоқ ўртага қўйилган бу таклиф аҳдлашувни барбод қилишни очиқдан-очиқ кўзлайди. АҚШ на ўзининг, на иттифоқчиларининг ўртача олисликка учалиган ядровий воситаларидан биронтасини ҳам қисқартирмоқчи эмас. У ҳатто бу воситаларни кўпайтиришга интилмоқда. Айни вақтда АҚШ Совет Иттифоқидан 20 йиллан кўпроқ вақтдан бери мавжуд бўлган ердаги базаларда жойлаштирилган ракеталарни бир ёқлама тартибда тугатишни талаб қилмоқда. Бу ракеталар Европада аллақачон вужудга келган ва қарор топган кучлар балансининг бир қисмидир.

Совет Иттифоқи америкаликлар талаб қилаётганидек ўртача олисликка учадиган ўз ядровий қуролларини бир ёқлама қисқартиришга рози бўлмайди —бу гап жуда юқори даражада айтилди. Шу билан бирга Совет Иттифоқи Европадаги ядро қуролларини ва умуман стратегик қуролларни чеклаш хусусида АҚШ билан бошланган музокаранинг муваффақиятли бўлиб чиқиши учун зўр бериб куч-ғайрат сарфламоқда. Бизнинг таклифларимиз қурол-яроғларни анчагина қисқартиришнинг имкониятини очади. Совет Иттифоқи Европаги ҳам ўртача олисликка учадиган, ҳам тактик ядро қуролидан халос этишга ўзининг тайёр эканини ҳам тасдиқлайди.

Савол: Кейинги вақтларда Ғарбда гўё АҚШ стратегик қуроллар соҳасида Совет Иттифоқидан «орқада қолди» деган даъволар юқори лавозимдаги кишилар томонидан тез-тез такрорланмоқда. Шу хусусда нима деса бўлади?

Жавоб: Бу —масаланинг моҳиятини қасдан бузиб кўрсатишдир. СССРнинг «ядровий устунлиги» тўғрисидаги даволар билан одамларни чалғитишга уринмоқдалар.

АҚШда ядро қуроли пайдо бўлган пайтдан бошлаб Совет Иттифоқи ўзининг мудофаа қобилияти ва иттифоқчиларининг хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб ядро қуролларининг ва уни элтувчи воситаларнинг тобора янги-янги турларини ўз қуроллари қаторига қўшиб турган Қўшма Штатларнинг ва НАТОнинг ҳаракатларига жавоб беришгагина мажбур бўлганлиги ҳаммага маълум. СССР билан АҚШ ўртасида, Варшава Шартномаси ташкилоти билан НАТО ўртасида қучларнинг вужудга келган тахминий тенглиги ҳозирги кунда стратегик ва бошқа ядровий қуроллар соҳасида ҳам, шунингдек оддий кучлар соҳасида ҳам мавжуд бўлиб турибди. Тахминий мувозанатнинг мавжудлигини Ғарбнинг кўпгина сиёсий ва ҳарбий арбоблари, айниқса масаланинг моҳиятини яхши биладиган арбоблар неча марталаб тан олганлар. Тегишли Совет—Америка битимларида ҳам қучларнинг баланси мавжудлиги факти нфодаланган. Ҳақиқатда АҚШнинг ядро қуроли соҳасида ҳеч қандай «орқада қолгани» йўқлигини биз яна бир карра таъкидлаймиз. Тахминий кенгликни «АҚШнинг орқада қолиши» деб кўрсатишга уринаётган кимсалар фақат бир мақсадинидеҳ нарса билан оқлаб бўлмайдиган ядро қуроллари пойгасини ниқоблаш мақсадини кўзлаб шундай қилмоқда.

Хўш, ҳақиқатда нималар содир бўлмоқда? АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергернинг баёноти жуда ғалатидир. У 9 август куни Америка журналистлари билан суҳбатда Пентагоннинг ҳамма тадбирлари ядро урушида СССРдан устунликка эришишга ва бу урушни АҚШ учун манфаатли шароитларда тугаллашга қаратилган, деб очиқдан-очиқ айтди. Унинг гапига қараганда, АҚШнинг ядровий имкониятлари «уруш олиб боришнинг ҳамма босқичларида Совет Иттифоқининг ана шундай кўрсаткичларидан устун бўлиши керак» эмиш.

Совет Иттифоқи ҳарбий устунликка эришиш йўлини принцип жиҳатдан рад этади. У бундай устунликка интилмайди, аммо бошқа ҳеч кимнинг ҳам шундай қилиш ҳуқуқини тан олмайди. Социализм мамлакатлари билан капитализм дунёси ўртасида эришилган ҳарбий-стратегик мувозанат агрессив қучларнинг муддаоларини тийиб турувчи омил — бўлиб хизмат қилади. СССРнинг ядровий қуролсизланишга амалий ёндошуви —қурол-яроғларнинг имкони борича паст даражасидаги ҳарбий мувозанатга эришишдан иборат.

Ядро қуроллари аслаҳаҳоналарини ўзаро кўпайтирмаслик ядро қуроллари пойгасини тўхтатиш ишида муҳим биринчи қадам бўлган бўлур эди. Шундай қилиш ядровий воситаларни кўпайтиришга имкон бермаган бўлур эди, ядро қуролларини қисқартириш ва чеклашга доир самарали қарорлар тезроқ қабул этилиши учун қулай шарт-шароит яратган бўлур эди. Бундай қилиш давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ва вазиятнинг барқарор бўлишига олиб борган бўлур эди.

ҲОСИЛНИ ТЎХТОВСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИБ, СИФАТЛИ ҚАЙТА ИШЛАЙМИЗ

В. УСМОНОВ,

Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри.

Республикамиз пахтакорлари партия кўрсатмаларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашиб, юбилей йилида юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Деҳқонларимизнинг йил бўйи пешона тер тўкиб, фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган пахта ҳосилини пешма-пеш қабул қилиб олиш, яхши сақлаш, сифатли қуритиб-тозалаб, табиий хусусиятларини камайтирмаган ҳолда қайта ишлаш министрлигимиз ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимларининг шарафли ва муқаддас бурчидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширилишга бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқида республикамиз пахтакорларининг кейинги йилларда эришган ютуқларини юқори баҳолаб, айни пайтда пахтанинг сифати бирмунча пасайганлигига диққат-эътибор ни қаратди. Пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлашни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди. Бу таҳлилий мулоҳазалар, кўрсатмалар бевосита республикамиз пахта тозаловчиларига ҳам алоқадордир. Шунинг учун ҳам министрлигимиз коллективлари юбилей йили ҳосилини қабул қилиб олиш ва уни сифатли қайта ишлашга ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқдалар.

Системамизнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, унинг қувватлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўнинчи беш йиллик ва ўн биринчи беш йилликнинг ўтган бир ярим йилида республикамизда 16 та пахта тозалаш заводи, 68 та тайёрлов пункти барпо этилди. Корхоналарда ва тайёрлов пунктларида қўшимча равишда 282 та қуритиш барабанлари монтаж қилинди. Шунингдек, 4600 бирликдаги технологик ускуналар ва приборлар ўрнатилди ёки алмаштирилди. Бундан ташқари машинада терилган хом ашёни тозалайдиган 50 та поток линия ишга туширилди. Республикалаги барча пахта тозалаш заводлари замонавий, пишиқ-пухта ускуналар билан жиҳозланди. Корхоналаримиз да янги, юқори унумли жин машиналарини, линтерларни ва бошқа ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш бошлаб юборилди. Ана шу ташкилий-техникавий тадбирлар толанинг 90 процентдан ортиғини ГОСТ нормалари даражасида ишлаб чиқариш имконини берди.

Эришилган ютуқларни таъқидлаш билан бирга системанинг корхоналарида ҳали бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини эътироф этиш лозим. Баъзи пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларининг раҳбарлари пахта хом ашёсининг сифат белгиларига қараб партияларга комплектлаш, тўғри сортларга ажратиш масалалари билан етарлича шуғулланмадилар. Хулқи шундай аҳволни Қорақалпоғистон АССРда, Андижон, Самарқанд, Тошкент областларида кўпроқ кўриш мумкин. Ана шу ва бошқа сабабларга кўра кейинги йилларда тайёрланаётган пахта хом ашёсининг тури ва сифати анча ёмонлашди.

Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё «Облзаготхлопком» бирлашмаларига қарашли айрим тайёрлов пунктларида ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўрилмаганлиги сабабли юқори намликда қабул қилинган паст сортли пахтанинг ўз-ўзидан қизиб кетиши ҳоллари юз берди. Ўтган йилги ҳосилни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашда йўл қўйилган барча камчиликлар директорлар Советида ва министрлик коллегияси мажлисларида атрофлича кўриб чиқилиб, зарур тадбирлар белгиланди.

Республика пахта тозалаш саноатини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, пахтадан тайёрланадиган маҳсулотлар сифатини ошириш учун 1982—1985 йилларда амалга оширилаётган ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни бажаришга киришилди. Мазкур тадбирга кўра 240 та қуритиш-тозалаш цехини тўбдан реконструкция қилиш белгиланган. Ана шу цехларга машинада терилган хом ашёни тозалайдиган 50 та поток линия ўрнатилиши га топ

МУШТАРАК ВАЗИФАЛАР

«Ҳақиқати Ўзбекистон» ва «Қишлоқ ҳақиқати» газеталари редакциясида суҳбат

Ушбу суҳбатда Тожикистон ССР Фанлар академиясининг бош илмий секретари, профессор Ҳ. М. САИДМУРОДОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бош илмий секретари И. И. ИСКАНДАРОВ, шунингдек, мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бомбай университетининг профессори, таниқли ҳинд олими Р. ГИДАДХУБЛИ иштирок этдилар ва шу куннинг кўпгина актуал масалалари хусусида фикр юритдилар. Халқ моддий фаровонлигини янада ошириш, Ўрта Осиё республикаларини социал-иқтисодий ривожлантиришда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кўрсатаётган доимий ғамхўрлик суҳбатнинг марказий мавзуси бўлди. Сўзга чиққан нотиқлар СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасида белгиланган мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш борасидаги улкан планлар жаҳондаги биринчи ишчи ва деҳқон давлатининг халқ фаровонлигини оширишдаги ғамхўрлигининг яққол далили эканлигини таъкидладилар.

Қуйида шу суҳбатнинг қисқача баёнини эътиборингизга ҳавола этамиз.

—СССРнинг Озиқ-овқат программаси партиямиз совет кишилари моддий фаровонлигини оширишга қаратилган йўлининг мантиқий давомидир, —деб таъкидлади академик И. И. Искандаров. —У ўз характерига кўра фақат иқтисодий программа бўлибгина қолмай, балки социал-сиёсий программа ҳамдир.

Ҳозирги пайтда фан реал ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Эндиликда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини кенг жорий этмай туриб биронта ҳам жиддий муаммони ҳал этиш мумкин эмас. Шу боисдан партиямиз Марказий Комитетининг май Пленуми тарихий қарорларида илмий муассасаларнинг ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Биз олимлар учун, —деб давом этди И. И. Искандаров, —партия ва ҳукуматимиз раҳбарлари томонидан ишимизга доимо катта ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини ҳис этиш ёқимлидир. Биз ҳам ана шу ишончни оқлаш учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда қуйидаги рақамларни келтирмоқчиман. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси линияси бўйича ишлаб чиқилган илмий-техника янгиликларини халқ хўжалигида жорий этиш орқали олинган умумий иқтисодий самара кейинги беш йил мобайнида икки барабардан кўпроқ ошди. Илмий тадқиқотларга сарфланган ҳар бир сўмдан олинаётган фойда 6 сўмни ташкил этмоқда.

Пахта Ўзбекистоннинг асосий бойлигидир. Шу боисдан фаннинг пахтачиликнинг ривожи, ҳосилдорлик ва пахта сифатини оширишдаги ролини алоҳида таъкидлаш даркор.

Республикамиз олимлари Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизилганда рўй берадиган социал-иқтисодий ўзгаришларни тадқиқ қилиш борасида муҳим натижаларни олдилар. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши қариб 6 миллион гектар ерни суғориш имконини беради. Бу эса кўп миқдордаги пахта, шоли, сабзавот ва полиз маҳсулотлари демакдир.

Фаннинг халқ хўжалиги учун келтираётган самарадорлиги тўғрисида сўз юритганда олимлар яратаётган янгиликлар қандай жорий этилаётганлиги ҳусусидаги муҳим проблемани четлаб ўтиб бўлмайди. Бу борада ҳозирча барча ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Чунончи, республика Озиқ-овқат саноати министрлиги қунжарадан озуқа оқсили олувчи мосламани ишга тушириш муддатини муттасил пайсалга соляпти. Ўзбекистон ферментловчи мосламани реконструкция қилиш ишлари ҳам суст амалга оширилянти. Паррандачиликда қўлланиладиган хлорелла пастасини олишда ишлатиладиган мосламаларни қуриш муаммолари ҳам ҳал этилмаяпти.

Ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси турли-туман илмий-техника проблемаларини ҳал этишга қаратилган 50 дан ортиқ умумиттифоқ ва республика миқёсидаги комплекс программаларда иштирок этади.

Шу кунларда республика Фанлар академиясининг барча бўлинмалари, барча олимлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг фаннинг халқ хўжалигидаги самарадорлигини янада ошириш масалалари муҳокама этиладиган пленумига актив тайёргарлик кўрмоқдалар.

—Ўзбекистон ва Тожикистон азалдан қон-қардош бўлибгина қолмай, балки хўжалик комплекслари жиҳатидан ҳам бир-бирига жуда яқин, —деб сўз бошлади профессор Х. М. Саидмуродов. —Бизлар ҳам худди сизлар каби пахта етиштирамиз, мамлакатга мева-сабзавот маҳсулотларининг анчагина қисмини етказиб берамиз.

Тожикистонлик олимлар КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини зўр кўтаринкилик билан кутиб олдилар ва СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Генетик ва селекционерларимиз катта ишларни амалга оширишлари лозим. Улар турли қишлоқ хўжалик экиларининг янги навлари ва гибридларини, моллар-нинг зотини яратишлари даркор. Тожикистон олимлари озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлашга доир муҳим тадқиқотларни амалга оширмоқдалар. Бу борада резерв лар оз эмас. Пахта далаларининг бир қисмидан (20 процентгача) йил бўйи интенсив фойдаланиш ҳисобигасина яқин йиллар ичида 250—300 минг тонна озуқа бирлиги берадиган 1—1,5 миллион тонна ем-хашак олиш мумкин.

Тожикистонлик олимлар яқин йиллар ичида агросаноат комплексининг турли тармоқларига доир, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этишлари керак. Қуёш энергияси билан ишлайдиган совутиш мосламаларининг яратилиши физикларимизнинг истиқболли ишларидан бири ҳисобланади. Ўйлаймизки, бу янгилик ўзбек ҳамкасбларимизни ҳам қизиқтиради. Ер гелиомосламалар биринчидан, сиғими 500 тонналик битта омборда ҳар йили 40-50 тонна шартли ёқилғи тежаб қолиш имконини беради. Иккинчидан эса, маҳсулотларининг яхши сақланишини таҳминан 50 процент оширади.

Агросаноат комплексини бошқаришни яхшилаш, хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш масалаларига оид проблемалар республикамиз иқтисодчи олимларининг диққат марказида турибди.

Қисқаси, фан олдида кенг қамровли вазифалар турибди. Уни муваффақиятли ҳал этиш учун республикаларда барча илмий муассасаларнинг фаолиятини пухта мослаштириш билан бирга қардош республикалар барча олимлари ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарур. Чунки бизнинг мақсадимиз муштаракдир.

—СССРда бўлган уч ой мобайнида мен кўпгина қизиқарли ва ўрнак олса арзийдиган ишларни кўрдим, —дея суҳбатга қўшилди профессор Р. Гидадхубли. —Мамлакатингизларги улкан қурилишлар, аҳолининг муттасил ўсиб бораётган фаровонлиги, ўз-ўзидан маълумки, мамлакатингиз олимлари эришаётган ажойиб ютуқлар кишини ҳайратга солади.

Менда айниқса СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси катта таассурот қолдирди. Капиталистик дунёда кетма-кет иқтисодий силсилалар юз бераётган, инсизлик, ортаётган, аҳолининг яшаш шароити тобора ёмонлашаётган бир пайтда сизларнинг давлатингиз Озиқ-овқат программасини қабул қилди. Бунга энг ривожланган буржуа мамлакатлари ҳам ҳавас қилса арзийди.

Ҳиндистон ва Совет Иттифоқини анъанавий дўстлик ришталари ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари боғлаб турибди. Биз улуғ Ленин мамлакатининг миллий экономикамизни ривожлантиришга кўрсатаётган ёрдамини беҳад қадрлаймиз. Ўтмишдаги колониализм асоратларини тугатишга биз учун бу ёрдам янада муҳимдир.

Менинг СССРга, хусусан Ўзбекистон ва Тожикистонга келишимдан мақсад —Ўрта Осиё республикаларининг социал-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш тажрибасини, саноатнинг ривожланиш масалаларини ўрганишдан иборат.

Менинг бу ерда бўлишим қизиқарли бўлибгина қолмай, жуда самарали ҳам бўлди. Биз профессор Х. М. Саидмуродов билан биргаликда «Совет Ўрта Осиёси республикаларининг социал-иқтисодий ривожланиши: саноатнинг ривожланиш тажрибаси» деб аталган монографияни инглиз тилида нашр қилишга тайёрладик. Китоб шу йилнинг охирида чоп этишга тайёр бўлади.

Сўзимнинг охирида менинг ишларимга ёрдам берган ва меҳмондўстлик кўрсатган қўнсонли совет дўстларимга қизғин миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Суҳбатни Ж. ҚУВНОҚОВ ва В. ПРУГЕР ёзиб олдилар.

Ильич районидаги Ғафур Ғулом номли совхозининг миришкор деҳқонлари ҳосилга ҳосил қўшиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни бир лаҳза бўлса ҳам бўшаштира ётганлари йўқ. Бу борада, айниқса, С. Қосимов бошқарувчилик қилаётган бўлим пахтакорларининг ҳиммати баланд бўляпти. 355 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон уюб, СССРнинг 60 йиллик тўйига муносиб совға ҳозирлаш учун қизғин ҳозирлик кўриляпти. Ғўза парвариши бу ерда йиғим-терим мавсумига пухта ҳозирлик кўриш билан бирга олиб борилмоқда.

Суратларда: 1. Бўлим механизатори А. Турдналиев билан моҳир сувчи С. Қосимов ўртоқлар ҳосил тўпини чамалашмоқда. 2. Ғўзага техника ёрдамида ишлов берилаётган пайт.

А. Тўраев фотолари.

КОМСОМОЛЛАР ПИЧАН ЎРИМИДА

Хоразм областидаги деярли барча колхоз ва совхозлар ёш ўроқчилар отряди Амударё дельтасидаги Қизилжар яйловига келди. Бригада составида икки минтга яқин йигит-қиз бор. Ўроқлар, хасканлар ва бошқа машина-механизмлар билан таъминланган ем-хашак тайёрловчилар кўл ва каналларнинг соҳилларидан, йўл ёқаларидан ширали қамиш, ёввойи ўтларни йиғиштириб олмоқдалар.

Массив ўтлоқларида анъанавий ялпи пичан ўрими одатдагидан тез олиб борилмоқда. Ўт ўриш мавсуми мўлдатлари қариб икки баравар қисқартирилган. Отряддаги ҳар икки комсомолдан бири автомобиль ёки ўроқ машина ҳайдовчиси бўлганлиги туфайли бунга эришилди. Кўл меҳнатининг тугатилганлиги ҳар куни планда белгиланган 500 тонна ўрнига 900 тоннагача ҳар хил ем-хашак тайёрлаш имконини бермоқда. Хонқа районидаги Оҳунбобоев номли ва Гурлан районидаги «Ленинизм» колхозларининг ем-хашак тайёрловчи ёшлари ишда намуна бўлмоқдалар.

Область комсомоллари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги юбилейига атаб камида 25 минг тонна ёки ўтган йилдагидан бир ярим баравар ем-хашак тайёрлашга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Спорт

КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Чим хоккей бўйича мамлакат чемпионатининг навбатдаги учрашувларида турнир жадвалида айтарли даражада ўзгариш бўлмади.

Чемпионатда биринчи-иккинчи ўринларни банд этиб, юксак ўринлар учун даъвогарлик қилаётган «Динамо» (Олмаота) ва СКА (Свердловск) командалари ўзгалар майдонида ўтказилган учрашувларда муҳим очколарни қўлга киритиб, рақибларидан анча илгарилаб олишди. Масалан, мамлакат чемпионлари Олмаота динамочилари бу турда Андижон шаҳрида маҳаллий «Звезда» командаси билан икки бор куч синашдилар. Аммо учинчи ўринда бораётган «Звезда» хоккейчилари пешқадам коллектив билан тенг баҳс юритишга олишмади. Иккала учрашувда ҳам динамочиларнинг қўли баланд келди. Дастлабки учрашувда улар 2:1 ҳисобида ғалабага эришган бўлсалар, такрорий беллашувни 1:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал этишди. Бу ютуқлардан кейин пешқадамлар ҳисобидаги очколар 47 тага етди. «Звезда» эса икки бор мағлубиятга учраганига қарамай, ҳамон учинчи ўринни эгаллаб турибди.

СКА хоккейчилари ҳам ўзгалар майдонида ўйнашди. Улар Ленинск шаҳрида маҳаллий «Старт» клуби билан куч синашиб, икки учрашувдан уч очко олишга муваффақ бўлишди. Тўғри, дастлабки учрашувда 3:1 ҳисобида СКАнинг қўли баланд келган бўлса, такрорий учрашув 1:1 ҳисобида дуранг бўлди. Айни шу матчда «Старт» хоккейчилари зафар қучишлари мумкин эди. Аммо майдон эгаларининг ўйинчиси Аҳмедов жарима тўпини аниқ бажаролмади. Натижада қимматли очко бой берилди.

Бу тур охирги ўринда бораётган Самарқанднинг «Спартак» командаси учун муваффақиятли бўлди, дейиш мумкин. Негаки, «Иншоотчи» (Сунгант) командасини ўз майдонида қабул қилган спартакчилар иккала учрашувда ҳам ғалаба қозонишга муваффақ бўлишди. Дастлабки учрашув 2:1 ҳисобида улар фойдасига тугаган бўлса, такрорий беллашувда меҳмонлар дарвозасини икки марта ишғол этишди. Натижада «Спартак» қимматли тўрт очкони қўлга киритди. Шунга қарамай, самарқандлик хоккейчилар ҳамон ўйинлар жадвалининг қуйи погонасини банд этиб туришибди.

Фарғонанинг «Химик» коллективи ҳам тур учрашувларини яхши ўтказди. Фарғоналиклар Бокунинг «Азинефтехим» клуби билан бўлган баҳсларда ўз ҳисобларига уч очко ёздилар.

«Волга» (Ульяновск) — «Фили» (Москва) клублари ўртасидаги баҳслар шундай натижа берди — 1:2, 1:0.

Энди эътиборингизга ўйинлар жадвалини ҳавола этамиз:

	Ў	О
«Динамо» (Олмаота)	26	47
СКА (Свердловск)	26	43
«Звезда» (Андижон)	26	31
«Иншоотчи» (Сунгант)	24	26
«Азинефтехим» (Боку)	24	26
«Фили» (Москва)	24	23
«Старт» (Ленинск)	26	16
«Волга» (Ульяновск)	24	16
«Химик» (Фарғона)	26	23
«Спартак» (Самарқанд)	26	11

Редактор И. СУЛАЙМОНОВ.

ЎНБЕШЛАР ТАШАББУСИ ИЗДОШЛАРИ

УЗОҚЛАРНИ КЎЗЛАР НИГОҲИ

Баланд темир дарвоза пештоқига қуйидаги сўзлар битилган: «Сурхондарё автотранспорт корхонаси, 83-автобаза, 2-филиал». Бино ҳовлисида жимжитлик. Фақат катта йўлдан онда-сонда йўловчи машиналар ўтиб турибди. Турнақатор турган самосвал машиналар олдида тимирскиланиб юрган киши — Омонтурди акани кимдир чақирди.

— Кирмайсизми, ҳамма тўпланиб бўлди.

...Эртага шанба, дам олиш куни. Сув хўжалиги қурилиши ходимлари ва хизматчилари ҳафтада икки кун дам олишади. Одатда бу вазиятга боғлиқ. Янги очилган бўз ерларда минглаб гектарлар қақраб, сув деяётган бўлсачи... Келгусида деҳқонларга ёпиқ ирриграция тошпирилиши лозим бўлган 50 минг гектарлик Қоракамар. Музрабод чўлларида ҳам ер текислаш ишлари битай деб қолган. Оби-ҳаёт келтирилса бўлгани, бу ерлар гулистон деяверинг. Областдаги сув хўжалиги қурилишларида иштирок этадиган автотранспорт ташкилотларини бу муаммо қийнаб қўйди. Шу масалага ҳамда олти ойлик иш якунларига бағишланиб мажлис чақирилган.

Боя Омонтурди акага колонна бошлиги Э. Сафаров «Хурсанд бўлаверинг», деганди. «Балки мукофотга ёзишгандир», деган ўй ўтди унинг хаёлидан. Қандайдир англашга борган Омонтурди ака залга ийманиб кириб, бир четдан жой олди.

...Омонтурди Замонов 1960 йили ўрта мактабни тугаллаб, дўстлари билан Шеробод чўлига келган бойсунлик йигит. У келганда ҳозирги Гагарин райони маркази ўрнида ўн-ўн беш чоғли қурувчиларнинг кўчма вагонлари турарди.

Йиллар... Унинг кўз ўнгида қанча ўзгаришлар бўлди. Кечаги кичкина поселка бугун энг кўзга кўринган Гагарин районининг маркази. Каналлардан минглаб кубометр сувлар оқди. Лекин ҳали ҳам бу чўлнинг поёни йўқ.

Ўтган йилги баҳор ташвишлари... Шеробод-ниг ғарб томонида янги очилган «Гулистон», «Октябрь 60 йиллиги» совхозларида қийин вазият вужудга келди. Ернинг ўз нами билан қўкариб, «икки қулоқ» бўлган ғўзалар май ойининг иссиқ ҳароратига чидай олмай, қовжирай бошлади. Сув, сув керак... Қисқа муддатда янги канални битказиб, эгатларга сув тараш керак.

Зарблорчасига иш эълон қилинди. Бетон қоришма тайёрлайдиган барча заводлар тинмай, суткалаб ишлашди. Юзлаб чўлқуварлар қаторида Омонтурди акани ҳам ҳиссаси катта бўлди. Қирқ чақирим ердан ҳар куни 60—70 тонналаб бетон ташишнинг ўзи бўладими?! Меҳнат отпускаси тўғрисида келганини айтишганда Омонтурди ака рад қилди.

Канал қурилиши тезда тугаланди. Кабинадан қўқ-рагингни кериб, тўлиб оқаётган анҳорни тамоша қилишдан ҳам завқли нарса борми!

Омонтурди ака Замонов бирор йил йўқки, планини 170—180 процент қилиб бажармаса. Коллектив орасида уч беш йиллик голиб. 1 класс ҳайдовчиси 15 йилдирки, бирор марта аварияга йўл қўйган эмас. Бу сода, меҳнаткаш инсон ҳозир 1984 йил ҳисобига ишламоқда. О. Замонов ўн беш-лар ташаббусига қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажаришга аҳд қилган.

Мажлисни автобаза директори Ш. Асқаров очиб, масалани кўнгдаланг қўйди:

— Ўртоқлар! Ярим йиллик кўрсаткичимиз чакки эмас. Олти ойда йиллик планни 62,4 процентга бажардик. Ютуқларимизга катта ҳисса қўшаётганлардан бири Омонтурди ака Замонова автотранспорт корхонасининг Фахрий ёрлиғини топширишга ижозат берасизлар...

Нотиқ бир неча кишини тақдирлагач, сўзида давом этди:

— Иккинчи масала — «Искра» насос станцияси ва канал қурилиши. Бу объектларда бетон, шагал, тупроқ ташиш бизнинг зиммамизда. «Искра» насос станцияси 90 кубометр сувни Амударёдан тортиб олиш қувватига эга. Бунинг натижасида 50 минг гектар ерда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Бу партиямиз қабул қилган Озиқ-овқат программасини амалга оширишга бизнинг амалий жавобимиз бўлади.

Мажлис тугади Омонтурди ака қишлоғига етиб келганда радиодан кишини мафтун этгувчи қўшиқ таралди:

Марди-майдонлар ичида,
Чўлга кел, ёнимга кел...

У уйига кирганда ишком тагида қувнашиб ўйнаётган тўққиз фарзандининг эгизаклари — Ҳасан-Ҳусанлар қийқириб дадасининг истиқболига чиқишди. Омонтурди ака чарчоқни унутиб, болаларни даст кўтариб бағрига олди. Осмон тиниқ ва сокин эди.

С. ОМОНҚУЛОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ФРЕЛИМО ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

МАПУТУ. (ТАСС). Бу ерда ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг пленуми иш бошлади.

ФРЕЛИМО партиясининг раиси МХР президенти Самора Машел пленумни очиш вақтида нутқ сўзлаб, пленум қатнашчилари партиянинг бўлажак съездига тезислар лойиҳасини муҳокама этадилар, мамлакатдаги аҳволни анализ қиладилар, деди. У социалистик жамият қуриш йўлидан олга бориш манфаатларини кўзлаб тадбир қабул қилишнинг. Мозамбик революцияси душманларига қарши самарали иш кўришнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Очарчиликка қарши кураш ва қуролли бандитизмни тугатиш — бугунги кундаги энг муҳим вазифадардир, деб уқтириб ўтди ФРЕЛИМО партиясининг раиси.

«Фронт олди» давлатлари раҳбарларининг яқинда Мапутуда бўлиб ўтган учрашуви, деб таъкидлади Самора Машел, Африка қитъаси жанубини озод қилиш борасидаги қуч-ғайратни мувофиқлаштириш ишида янги қадам бўлди. Учрашув қатнашчилари империалистик доираларнинг Африка халқларининг революцион ғалабаларини тугатиш мақсадида Африкада қуролли бандитизмни рағбатлантираётганликларини уқтириб ўтдилар. Самора Машел Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси — апартеидни тугатиш, ЖАР ирқчи режимини ағдариб ташлаш учун курашда қўлидаги қуч эканлигини таъкидлади.

ТАНГ ВАЗИЯТ

ДУБЛИН. ТАСС мухбири Михаил Смирнов хабар қилади: Ирландия бош министри Ч. Хохининг Тред-юнионлар Ирландия конгресси раҳбарлари билан учрашуви натижасиз тугади. Учрашув давлат сектори ишчи ва хизматчиларининг иш ҳақини оширмаслик тўғрисидаги ҳукумат қарори муносабати билан касаба союзларини талабига биноан ўтказилди.

Ч. Хохи бу — мамлакатни ўткир иқтисодий ва молиявий тангликдан олиб чиқишнинг ягона мумкин бўлган воситаси эканлигини таъкидлаб, Тред-юнионлар Ирландия конгрессининг ҳукумат қарорини бекор қилиш ҳамда 300 минг меҳнаткашнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисидаги талабини рад этди. Бош министр ҳукумат билан касаба союзлар ўртасидаги муносабатларда вужудга келган танг вазиятни муҳокама қилиш учун парламент сессиясини муддатидан илгари чақиришдан ҳам бош тортди. Бундай шароитда касаба союзлар Ирландия меҳнаткашларининг янги забастовка қилишлари эҳтимолдан ҳоли эмас, деб ҳисоблайди.

Шу муносабат билан «Айриш пресс» газетасининг таъкидлаб ёзишича, можаро шу йилнинг октябрь ойи охирида бўладиган парламентнинг навбатдаги сессияси очилишигача ҳал этилмаса, мамлакат янги ҳукумат тангликка дучор бўлади.

ЧССР ВАГОНСОЗЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ПРАГА. (ТАСС). Ческа-Липа шаҳридаги вагонсозлик заводининг коллективи янги маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Шу кунларда мамлакат темирйўлчиларига кўмир, темир руداси ва тўкиладиган юклар ташиш учун дастлабки такомиллаштирилган вагонлар жўнатилди. Маҳсулот конструкциясидаги ўзгаришлар ҳар бир вагоннинг юк кўтариш қувватини 200 килограммга кўпайтириш имконини берди. Шу билан бирга завод мутахассислари маҳсулотга сарфланадиган металлни ҳам тежашга эришдилар.

Шу беш йилликда ЧССР пўлат магистралларида замонавий техникадан кенг фойдаланиш темир йўл орқали юк ташиш ҳажмини 7—9 процент оширишга имкон беради. Транспорт қатновини тартибга солиб туриш учун компьютурлардан кенг фойдаланилади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ЛОНДОН. Англияда шу йилнинг иккинчи кварталида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми 6.5 процент қисқарди. Экономиканинг аҳволи тўғрисида бу ерда эълон қилинган даст-лабки расмий маълумотлар буни тасдиқлайди.

Шу муносабат билан Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси «Англиянинг миллий экономикаси ҳануз тушкунлик ҳолатида турибди» деб таъкидлайди. «Файнэншл таймс» газетаси ҳам эълон қилинган статистика экономиканинг ҳатто астасекин согайиб боришига умид боғлаётган М. Тэтчер кабинетига берилган қаттиқ зарба, деб уқтириб ўтади.

САНО. Яман Араб Республикаси ва Яман Халқ Демократик Республикаси Ливан ва Фаластин халқларининг Исроил агрессиясига қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлашда актив ҳамкорликни давом эттираберади. Яман Халқ Демократик Республикаси бош министрининг биринчи ўринбосари Али Антар Саба агентлигининг мухбири билан суҳбатда шу гапларни айтди. У ҳар икки давлатнинг биргаликда кўрадиган тадбирлари сионистлар агрессиясига ва унинг ҳомийси АҚШга қарши курашда араб халқларини жипслаштириш мақсадини кўзда тутади, деб таъкидлади.

ТОКИО. Америка авиацияси Хиросима ва Нагасакига ташланган атом бомбаларининг 37 йиллиги муносабати билан яқинда Японияда ядро қуролини тақиқлашга бағишланган халқаро конференция ўтказишнинг япон ташаббускор комитети либерал—демократлар ҳукуматидан Японияни уруш олиб боришдан воз кечиш тўғрисидаги декларация билан майдонга чиқишни талаб этди. Комитет қабул қилган ҳужжатда бундай дейилади: ҳукуматнинг иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакатдаги милитаристик доираларнинг Осиё халқларига қарши қилган агрессияни оқлаш мақсадида мактаб дарсликларини қайтадан кўриб чиқиш йўлидаги уринишлари Япония конституциясида тинчлик борасида баён этилган қоидаларни очиқдан очиқ бузишдир.

МАПУТУ. Мозамбик Халқ Республикаси қуролли кучларининг бўлинмалари 1 августдан 17 августгача «миллий қаршилик кўрсатиш ҳаракати» деб аталган ҳаракат қуролли босмачиларнинг етти лагерини яксон қилдилар. Ғазо, Иньямбане, Маника ва Софала вилоятларида ўтказилган операциялар вақтида талайгина қурол-ярог ва қарбий анжомлар қўлга олинди. Мозамбик қуролли кучлари бўлинмалари Маника вилоятида босмачилар зўрлик билан олиб кетган 59 деҳқонни озод қилдилар. (ТАСС).

СЕЙШЕЛДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

АНТАНАНАРИВУ. (ТАСС). Сейшел матбуот агентлиги (САП)нинг хабар беришича, Сейшел оролларида республика ҳукумати мамлакатдаги аҳволни тамомила назорат қилиб турибди. Яқинда бу ерда қарбий ҳизматчилар группасининг исёни бостирилган эди. Исёнчилар гаровга олган кишиларнинг ҳаммаси озод қилинди. Ҳукумат қўшинлари пойтахт атрофидаги жойларни исёнчилардан тозаламоқдалар.

Мамлакат президенти Ф. А. Рене миллий радио орқали сўзлаган нутқида радиостанция, полиция бошқармасининг биноси, денгиз порти ва телеграф исёнчилардан тамомила халос қилинди, деди.

Мудофаа министрлигининг Викториядаги тарқатилган ахборотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: «Армиянинг асосий қисми фитначиларни қўллаб-қувватлашдан воз кечди. Фитначилар қарбий хизматчиларнинг унча кўп бўлмаган группасидан иборат эди.

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси Сейшел оролларидаги воқеаларни шарҳлаб, Жанубий Африка Республикаси режими бу воқеаларда бевосита қатнашганлигини таъкидлайди. Газета исёнчиларнинг Претория ирқчиларини қурол-ярог ва малад кучлар юбориб туришга чақирганлигини эслатиб ўтади. Жанубий Африка Республикасининг бундай позицияси ҳеч кимни ажаблантиролмайди. Бунинг боиси шуки, деб қайд этади «Юманите» газетаси, республиканинг қонуний ҳукуматини ағдариб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва ёлланган кишилар группаси 1981 йил ноябрь ойида худди шу мамлакатдан Сейшелга келган эди.



ГДР. Ростокда Совет Иттифоқи буюртмаси билан яна бир кема қуриб битказилиб сувга туширилди. 360 йўловчига мўлжалланган бу «сузувчи меҳмонхона»да пассажирларнинг сафар чоғида маданий дам олиши ва манзилга хавф-хатарсиз етиб олиши учун ҳамма қулайликлар яратилган.

Суратда: янги дарё лайнери «Александр Грибоедов».

АДН—ТАСС телефотоси.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

23 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
9.50 «Ҳайвонот оламида».
10.50 Болалар учун фильм. «2-синфда икки йил ўқийдиган Иван Семенов ҳаётидан уч ярим кун».
12.10 «Менинг уйим шу ерда». Н. Ескалиева иштирокида фильм-концерт.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Ягона оилада». Ҳужжатли фильмлар программаси.
16.15. С. Прокофьев. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
17.00 «Буратино кўргазмаси».
17.30 «Ёшлар адреслари».
18.30 Подольск машинасозлик заводи «Ленок» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Кувноқ нотачалар».
19.30 «Партия планлари — халқ планлари».
20.00 Руминиянинг миллий байрами — Озодлик кунига. Руминия Социалистик республикаси телевидениесининг программаси.
21.30 «Время».
22.00 Катталар учун контроль иш. «Сеп».
22.50 «Дунё воқеалари».
23 05 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреати С. Стадлер чалади [скрипка].
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Беҳаловат лавозим». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Совет плакати усталари.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Уядаги қушчалар». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.00 «Чашмалар».
21.30 «Время».
22.00 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Евузлар». Телевизион бадиий фильм премьераси [ЧССР].
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Черноморец». 2-тайм. «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ишёқмас ва ялқов Влас воқеаси». Қўғирчоқ фильм.
18.15 «Ўсмир ва қонун».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Советский воин». Тележурнал [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 Қорақалпоғистон АССР санъат музейи кўргазма залидан репортаж.
20.15 «Аввалги чиройига ҳам сайқал берибмиз...» Ҳужжатли фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни З. Ҳақназаров олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қашқадарё ернинг саҳоватли».
22.15 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.30 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия.
23.40 Янгиликлар.

СЕШАНБА

24 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.10 И. Штраус. Вальслар.
10.55 «Болали уй ижарага қўйилади». Бадиий фильм.
12.15 «Айиқлар йўлда боради». Телевизион ҳужжатли фильм.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Телевизион ҳужжатли фильмлар.
16.15 Болалар учун фильм.
17.20 «Юность» хореография ансамблининг чиқиши [Қозон шаҳри].
17.45 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-полковниги Г. Ф. Байдуков билан учрашуви.
18.30 Концерт.
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан оламида».
20.00 «Москва боғлари». Кинолавҳа.
20.10 «Катта ҳаёт». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионатида.
23.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал.
18.55 «Спорт ҳафталиги».
19.25 «Театр ва замон». Н. Погодин.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Инсонпарварлик орқали тинчликка». Ҳужжатли фильм.
21.05 РСФСР халқ артисти Р. Ибрагимов совет композиторларининг қўшиқларини ижро этади.
21.30 «Время».
22.00 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Мисга ўйиб туширилган нақш». Телевизион бадиий фильм премьераси [ЧССР].
23.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Металлист» — «Динамо» [М]. 2-тайм. Харьковдан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Инсон туғилди». Телевизион фильм.
12.00 Болалар учун. «Бойчечак» [такрорий].
12.30 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик».
19.00 «Ўзбекистон энергоқурувчилари — беш йилликка». «Узбекэнергострой» трестининг 50 йиллигига [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Шеърият боғи». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Қизлар мушонраси». Кўрсатувни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Х. Худойбердиева олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Куйла, ёшлигим». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дефолиация». Мутахассислар маслаҳати.
22.25 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия.
23.40 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА

25 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Киносаёҳатчилар клуби».
10.40 «Катта ҳаёт». Бадиий фильм.
12.00 «Ўсмирлар ижоди».
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Дўстларимиз экрани». Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси.
16.40 Болалар учун фильм.
17.15 «Горнчилар, каердасиз!».
18.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Наседкин чалади [фортепьяно].
18.30 «Ангарадаги ўрмон химияси гигантлари». 2-кўрсатув.
19.00 «Тонгги қўшиқ». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Рус жилолари» халқ чолғу оркестрининг концерти.
19.55 «Рубенс — рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1- ва 2-серия [Бельгия — ГФР].
21.30 «Время».
22.05 «1982 йил қушиқлари».
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида илмий-оммабоп фильмлар программаси.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Н. П. Горбунов. Биографиясига чизгилар». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 «Қишлоқ янгиликлари».
20.00 «Ерда, самода ва денгизда».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Даҳшат». Телевизион бадиий фильм премьераси [ЧССР].

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Артек» табассуми». Болалар учун фильм-концерт.
12.00 «Том тоғанинг кулбаси». Болалар учун телеспектакль [рус.].
14.15 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Сариқ тумшуқли Пики». Болалар учун мультфильм.
18.20 «Қизилқумни сахро деб атама». Ҳужжатли фильм.
19.10 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта». «Ташсельмаш» заводидан репортаж.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 Ўзбекистон ССР Давлат телевидениеси ва радиоси бадиий коллективларининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 Концерт [давоми].
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Биз қандай кийинамиз».
22.25 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.40 «Автомобилдан сақланинг». Кинокомедия.
00.10 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

26 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Тожикистон ССР «Дўсти» ашула ва рақс ансамбли ижро этади.
10.10 «Рубенс — рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
11.45 Арманистон ССР Давлат симфоник оркестрининг концерти.
12.35 Ишлаб чиқариш гимнастикаси.
13.05 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар программаси.
16.20 Болалар учун қисқа метражли телевизион фильмлар программаси.
17.35 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари».
17.50 «Шахмат мактаби».
18.20 СССР халқ артисти Ю. Мазурок куйлайди.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ёз». Киноолавҳа.
19.40 «Рубенс — рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3- ва 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионатида.
23.05 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Ҳиндистон артистларининг чиқиши.
19.30 «О. В.». Химиявий қурол дунёга нимаси билан хавф солади. Телевизион ҳужжатли фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Илиқ сувларда». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.00 «Адабий ўқиш. М. Шолохов». «Дон ҳикоялари».
21.30 «Время».
22.05 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Гамбургга борадиган кема». Телевизион бадиий фильм премьераси [ЧССР].

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Бола йўқолди». Телевизион фильм.
12.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
13.00 «Автомобилдан сақланинг». Кинокомедия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Нўхотполвон», «Тулки Лариска қандай қилиб хазина излади». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.00 «Янги мактаб формаси».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Юқори сифатли пахта толаси учун».
20.15 «Сенинг бўёқларинг, Молдавия». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Озод Ватанимиз, ортсин шон-шуҳратинг!». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Озарбайжон телевидениесининг программаси.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Озод Ватанимиз, ортсин шон-шуҳратинг!». Озарбайжон телевидениесининг программаси [давоми]. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

ЖУМА

27 АВГУСТ
СОВЕТ КИНОСИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «П. Аедоницкий қўшиқлари». Фильм-концерт.
10.25 «Рубенс — рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3- ва 4-серия.
12.10 Жаҳон халқларининг ижоди. Вьетнам.
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Совет киноси кунига бағишланган кинопрограмма.
16.05 «Рус тили».
16.35 Бутунроссия конкурсининг лауреати А. Заикин чалади [баян].
17.10 «Сурия Араб республикаси парламенти аъзоларининг СССРга визити». Ҳужжатли фильм.
17.30 «Москва ва москвалик-лар».
18.00 «Волгада бир қоя бор». Фильм-концерт.
18.30 «Чарм тўп» клубининг совғини учун.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Бугун — Кино куни». СССР Давлат киносининг раиси Ф. Т. Ермаш сўзи.
19.40 Арфа ижроси учун пьесалар.
19.55 «Севги асирасиз». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионатида.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ёз билан хайрлашиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
18.55 Алкоголизм ҳақида суҳбатлар.
19.25 Сув ости спорти бўйича жаҳон чемпионати.
19.55 «Шеърлардаги дилга яқин сатрлар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Устахонадаги учрашувлар». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.15 «Белгород». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Қотил далага яширинган». Телевизион бадиий фильм.
11.00 «Тонгги почта» музикали программаси.
11.30 «Киносаёҳатчилар клуби».
12.30 Сув ости спорти бўйича жаҳон чемпионати.
13.10 В. Винниченконинг асари асосида телевизион спектакль.
14.40 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
15.25 Қозон телевидение студиясининг программаси.
«Татаристоннинг бугуни куни». Кинопрограмма.
Татаристон АССР санъат усталарининг концерти.
16.25 Халқаро кўрсатув.
16.40 «Театр афишаси олдида».
17.45 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1956 йил.
18.45 «Музикали киоск».
19.20 «Қўшимча саволлар». Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати, «Зенит» [Ленинград] — «Динамо» [Минск].

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Чиранчиқ қўнғиз». И. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.30 «Шкид республикаси». Бадиий фильм.
13 10 «Инсон болаликдан бошланади».
13.40 Шахтёрлар кунига. «Шахтёрлар», «Мовий тоғлар этагидаги шаҳар». Ҳужжатли фильмлар программаси.
14.45 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» [рус.].

* * *

16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг бирғаликдаги программаси.
18.00 «Асл дўстлар». Мультфильм.
18.10 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
18.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона оилада». Кўрсатувда Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг биринчи секретари Х. Умаров иштирок этади.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!» Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Фарғона области.
21.30 Москва «Время».
22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!» Экранда — Фарғона области. [Давоми]. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

29 АВГУСТ
ШАХТЁРЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Ереван шаҳар темир йўлчилар Маданият саройи халқ ансамблининг чиқиши.
10.00 «Будильник».
10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.30 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
12.15 «Тонгги почта» музикали программаси.
12.45 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан».
13.00 «Қишлоқ янгиликлари».
14.00 «Музикали киоск».
14.30 «Инсон. Ер. Коинот».
15.15 Халқ куйлари.
15.30 Шахтёрлар кунига. «Талабларингизга биноан учрашувлар». Кўрсатувда СССР Кўмир саноати министри Б. Ф. Братченко, кўмир саноати ишчилари касаба союзи Марказий комитетининг раиси М. А. Сребний иштирок этадилар.
16.15 Шахтёрлар кунига бағишланган музикали программа.
17.05 «Киносаёҳатчилар клуби».
18.05 Мультфильмлар программаси.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионатида. 3- ва 4-ўринлар учун учрашув.
20.20 «Мая Плисецкая». Ҳужжатли фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионатида. Финал. Колумбиядан олиб кўрсатилади.
23.10 «Скопин куполлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
23.30 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!».
9.20 Шахтёрлар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси.
10.35 Коми АССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти.
11.15 «Қўшимча саволлар». Бадиий фильм.
12.20 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 16-ҳаво армияси ветеранларининг учрашуви.
13.50 «Василий Шукшин. Ёзувчи, актёр, режиссёр».
15.10 «Эртакларнинг эртаги». Катталар учун мультфильм.
15.40 Сув ости спорти бўйича жаҳон чемпионати.
16.25 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». Шарҳ.
16.55 «Гёте ҳаётидан тўққиз кун». Телевизион ҳужжатли фильм [ГДР].
17.40 «Жаноб олийларининг адъютанти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
18.55 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1957 йил.
20.05 «Регата оҳанглари». Фильм-концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Халқ чолғулари созандаларининг концерти.
21.15 «Эстафетани узат». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Мўлжални кўраяпман». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Хоразм области [такрорий].
12.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Кувноқ стартлар».
13.30 «Оналар мактаби».
14.00 Ҳужжатли кино экрани.
14.45 «Қишлоқ стадионида».
15.25 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Уч ака-ука ва яшил аждаҳо». Қўғирчоқ фильм.
18.15 Болалар учун концерт.
18.45 «Бугун — Шахтёрлар куни».
19.15 «Янги ўқув йилингиз билан!». Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси П. К. Қаюмов сўзи.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!».
20.30 «Ахборот».
20 50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Х. Лутфуллаев, Г. Фозилжонова концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 СССР Давлат мукофотига номзодлар. «Ўзбекистон санъат усталари». Бернора Қориева. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
ЦИРК САНЪАТИНИНГ ЯНГИ АСАРИ

«РУСЛАН ВА ЛЮДМИЛА»

ПАНТОМИМА-ФЕЕРИЯ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари эса соат 13.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

44-35-91, 44-35-84 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ

ТУЙ БЮРОСИ ҚОШИДАГИ САНЪАТКОРЛАР ГРУППАЛАРИ

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАР АҲОЛИСИГА ТУЙ ВА ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРДА МАДАНИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Санъаткорлар группалари жойларга бюро орқали махсус йўлланмалар билан юборилади.

Бунинг учун аҳолидан ариза ва заявкалар ўтказиладиган тўй ва маросимлардан 20 кун аввал қабул қилинади.

Маҳалла комитетлари ва қишлоқ советларида ишлаб турган тўй ўтказиш комиссиялари бошлиқларига филармониянинг тўй бюроси йўлланмалари бўлмаган санъаткорларни маданий хизмат қилишдан четлатиш ҳуқуқи берилади.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 10-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ

104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йили учун

8-синф маълумотга эга бўлганларни контроль-ўлчов приборлари ва автоматикани ремонт қилувчи слесарь, буғ қозон ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, турбина ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, электр пайвандловчи, буғ қозон қурилмаларини монтаж қилувчи слесарь, автомобилларни ремонт қилувчи слесарь, бўёқчи, сувоқчи, дурадгор, ғишт терувчи мутахассисликлари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар уч маҳал овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофоти билан таъминланади.

Билим юртини тугатганларга ўқувчининг касб-кори ва ўрта маълумот олганлиги кўрсатилган диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Шунингдек, ўрта маълумотга эга бўлиб, Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар бир йиллик муддат билан қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилинади: қозон ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, турбина ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, электр монтажчи, буғ қозон қурилмаларини монтаж қилувчи монтажчи-слесарь, автомобилларни ремонт қилувчи слесарь, бўёқчи, сувоқчи, дурадгор, ғишт терувчи.

Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар ва 18 ёшга тўлган йигитлар 6 ойлик ўқишга қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул қилинади: турбоагрегатлар бўйича машинист ёрдамчиси, буғ қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, буғ қозон қурилмаларини монтаж қилувчи монтажчи-слесарь, электр пайвандловчи. 76 сўм стипендия берилади.

Машғулотлар июнь, декабрь ойларидан бошланади.

Билим юртини тугатганлар «Средазэнергомонтаж» трестига, Ангрен ГРЭСи, Муборак ЮЭЦи, Толимаржон ГРЭСи ва трестнинг бошқа ташкилотларига ишга юборилади.

«СРЕДАЗЭНЕРГОМОНТАЖ» трестидаги меҳнат шартлари: меҳнатга ҳақ тўлаш ишбай-мукофотли, қўшимча равишда тариф ставкасининг 55—60 процента миқдорида минтақа коэффициенти тўланади. Елғиз кишилар ётоқхона, оилаликлар — навбатли тартибда квартира билан таъминланади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ ЎҚУВЧИЛАРГА АВТОБУС ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 3 дона фотосурат (3×4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки харбий билет.

КАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ ЯКШАНБАДАН ТАШКАРИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент области, Оржоникидзе райони, ТошГРЭС посёлкаси (115, 152-автобуслар 62-12-16, 61-12-51, қўшимча равишда 6-12, 3-18. нинг «ТошГРЭС посёлкаси» бекати). Телефонлар:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ 68-ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—1983 ўқув йили учун

8 ва 10-синфни битирган йигит ва қизларни

АСАЛАРИЧИЛИК МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 1 йил.

Ўқиш даври узлуксиз иш даврига киради.

Аъло баҳо билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия, уч маҳал иссиқ овқат, ётоқхона ва кийим-кечаклар, студентлик билети билан таъминланадилар.

Билим юртида ўрта таълимни давом эттиришга имконият бўлиб, «Гагарин» номли 2-кечки ишчи-ёшлар мактабининг 9—10—11 синфлари ҳам мавжуддир.

Колхоз ёки совхоздан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишга юборилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), мактабдан характеристика, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3x4 см.).

Билим юртининг адреси: Тошкент области, Тошкент район, Абдурахмонов номли совхоз, 2-бўлим («Келес» автостанциясидан 292-автобусда сўнгги бекатгача борилади). Телефон: 56-689.

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 07370 Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1094. 11